



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

Руйхатга олинди:
№ _____
2016 йил "8" 08



“КОРХОНА ИҚТИСОДИЁТИ ВА МЕНЕЖМЕНТИ”

ФАН ДАСТУРИ

- Билим соҳаси: 100 000 – Гуманитар соҳа
300 000 – Ишлаб чиқариш техник соҳа
600 000 – Хизматлар соҳаси
- Таълим соҳаси: 110 000 – Педагогика
320 000 – Ишлаб чиқариш технологиялари
630 000 – Атроф-мухит муҳофазаси
640 000 – Ҳаётий фаолият хавфсизлиги
- Таълим йўналиши: 5111000 – Касб таълими ((5320400-Кимёвий технология) ишлаб чиқариш турлари бўйича))
5111000 – Касб таълими ((5321000-Озик-овкат технологияси) маҳсулот турлари бўйича))
5310900- Метрология, стандартлаштириш ва маҳсулот сифат менежменти (кимё ва озик-овкат)
5320300 – Технологик машиналар ва жихозлар (тармоқлар бўйича)
5320400 – Кимёвий технология (ишлаб чиқариш турлари бўйича)
5320500 – Биотехнология (озик-овкат, озуқа, кимё ва кишлоқ хўжалиги)
5321000 – Озик овкат технологияси (маҳсулотлар турлари бўйича)
5630100 – Экология ва атроф мухит муҳофазаси.(кимёвий ва озик-овкат саноати)
5640100 – Ҳаёт фаолияти хавфсизлиги

Тошкент – 2016

Ўзбекистон Республикаси олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг
2016 йил 28.08 даги 355 сонли буйруғининг 2-илоvasи билан фан
дастури руйхати тасдиқланган.

Фаннинг ўқув дастури Тошкент кимё технология институтида ишлаб
чиқилди.

Тузувчилар:

- | | |
|-------------------|--|
| Абдурахмонов А.Қ. | ТКТИ, “Саноат иқтисодиёти ва менежменти”
кафедраси мудири т.ф.н.; |
| Алиева Ж.А. | ТКТИ, “Саноат иқтисодиёти ва менежменти”
кафедраси к.ўқ. |

Тақризчи:

- | | |
|--------------|--|
| Қосимов С.М. | Тошкент олий ҳарбий техника билим юрти
профессори, и.ф.д. (<i>турдош ОТМ</i>) |
| Одилов Т.М. | “Сумбула нон” МЧЖ раҳбари, иқтисодчи
(<i>истеъмолчи</i>) |

Фаннинг ўқув дастури Тошкент кимё технология институти Илмий-
услубий Кенгашида қўриб чиқилган ва тавсия қилинган (2015 йил 18.11
даги 2 сонли баённома)

Интернет сайтлари

1. <http://www.gov.uz>
2. <http://www.stat.uz>
3. <http://www.soliq.uz>
4. <http://www.edu.uz>
5. <http://www.tsue.uz>
6. <http://www.tfi.uz>
7. <http://www.lex.uz>

9. Бозор иктисодиёти шароитида ишлаб чиқаришнинг иктисодий ва ижтимоий самарадорлиги.
10. Корхонанинг асосий фондлари ва ишлаб чиқариш куввати.
11. Корхонанинг айланма маблағлари.
12. Корхона ходимлари.
13. Корхонада меҳнатни ташкил этиш.
14. Корхонада ходимларга меҳнат ҳақи тўлаш.
15. Ишлаб чиқариш сарф харажатлари.
16. Корхонада фойда ва рентабеллик кўрсаткичлари.
17. Корхонанинг иктисодий хавфсизлиги ва тижорат сири.

Дастурнинг инфор­ма­цион-услубий таъминоти

Мазкур фанни ўқитиш жараёнида:

- “Корхона иктисодиёти ва менежменти” тизими ва унинг таркиби бўлимига тегишли маъруза дарсларида модуль тизимига асосланган электрон мажмуадан;
- Амалий машғулотларда, хусусан, “Корхона иктисодиёти ва менежменти” фаолиятида стандартлар ва ахлоқ кодексининг амалий жиҳатларини ўрганишда таълим технологияларидан, амалий иш ўйинларидан;
- Ўзбекистон Республикасида “Корхона иктисодиёти ва менежменти” амалиёти масалаларига тегишли дарс машғулотларида таълимнинг бошқа методларидан фойдаланиш назарда тутилган.

Фойдаланиладиган адабиётлар руйхати

Асосий адабиётлар

1. Махмудов Э.Х. Корхона иктисодиёти. Дарслик 368 б. Фан ва технология. 2013й.
2. Улашев И.О. Корхона иктисодиёти ва менежменти. Ўқув қўлланма 232 б. Тафаккур-Бўстони.2013й.

Қўшимча адабиётлар

1. Бухалков М.И. Организация производства на предприятиях машиностроения. Учебник. –М..ИНФРА-М,2010 г. -511стр.
3. Ишмухамедов А.Е. Иктисодий хавфсизлик. Ўқув қўлланма. –Т.: Ўзбекистон ёзувчилар уюшмаси Адабиёт жамғармаси нашриёти, 2004.
4. Волкова О.И., Девяткина О.В. Экономика предприятия. Учебное пособие. –М..-ИНФРА-М,2008 г.-601стр

КИРИШ

Бозор иктисодиёти шароитида ислохотларни чуқурлаштириш иктисодиётга киритилган янги инвестициялар ва мавжуд моддий-техника асосини модернизация қилишдан ташқари бошқарувнинг демократик тамойилларини кучайтириш, корхона, фирма ва уларга тенглаштирилган ишлаб чиқариш тузилмаларининг хўжалик фаолияти билан боғлиқ бўлган мустақиллик доирасини кенгайтириш, сиёсатнинг иктисодиётдан устунлигига барҳам бериш, инсон фаолиятининг барча соҳа ва тармоқларида ташаббускорлик, изланиш ва хоказоларнинг ривожланиши ҳам кенг имкониятлар яратмоқда.

Талабаларга мазкур фан хусусиятлари доирасида қондалар ва ҳулосаларни пухта ўзлаштиришлари, келгуси фаолиятида самарали фойдаланишлари ҳамда ижодий ёндашишларини таъминлаш фанни ўрганиш олдидан турган асосий вазифалардан биридир.

“Корхона иктисодиёти ва менежменти” фани талабаларда зарур аниқ иктисодий билимларни шакллантиришга қаратилган бўлиб, бу бозор муносабатлари ва иктисодий ишларни маркази ҳозирги кунда бирламчи бўлган корхона иктисодиёти даражасига кўтарилган шароитларда жуда муҳим ҳисобланади.

Фаннинг мақсади ва вазифалари

“Корхона иктисодиёти ва менежменти” фани хўжалик юриштиши қандай қилиб энг тежамли маблағ сарф қилган ҳолда амалга ошириш мумкинлигини илмий жиҳатдан ўргатиб, ушбу сарф орқали энг юқори натижаларига эришишни таъминловчи шароит ва омилларни излаб топишга ундайди. Яна бошқача таъриф бўйича иктисодиёт – бу чекланган ресурслар шароитида чексиз эҳтиёжларни қондириш учун жамият, тармоқ, корхона танлайдиган воситаларини баён қилувчи ва таҳлил этувчи ижтимоий фандир.

Фан бўйича талабаларнинг тасаввур, билим, кўникма ва малакаларига қўйиладиган талаблар

“Корхона иктисодиёти ва менежменти” фанини ўзлаштириш жараёнида бакалавр:

- бозор шароитларида корхона иктисодиётини;
- бозор инфратузилмасини;
- саноат тармоқлар иктисодиётини;
- корхона фаолиятининг қонунчилик асосларини;
- меҳнатни ташкил қилиш тизимини;
- корхона иктисодиётини ташкил қилиш йўлларини;
- бозор инфратузилмасини ривожлантириш йўлларини;
- бозорда корхона стратегиясини ишлаб чиқиш йўлларини;

- корхона иктисодиётини ривожлантириш самарадорлигини;
- тармоқлар иктисодиётини юксалтириш йўлларини;
- корхонада меҳнатни ташкил этиш шаклларини;
- талаб ва таклиф мувозанатининг тахлили ҳамда башорат қилишни;
- корхона фаолиятида ҳамкорлар билан музокаралар ташкил қилишни;
- корхонада иктисодий жараёнларни таҳлил қилишда иктисодий моделларни қўллаш;
- иктисодий кўрсаткичларни таҳлил қилиш;
- иктисодий сиёсатнинг салбий ва ижобий оқибатларига баҳо бериш;
- иктисодий сиёсатнинг натижаларини прогноз қилиш малакаларига эга бўлиши керак.

Фаннинг ўқув режадаги бошқа фанлар билан ўзаро боғлиқлиги ва услубий жиҳатдан узвийлиги

“Корхона иктисодиёти ва менежменти” фани “Олий математика”, “Эхтимоллар назарияси”, “Иктисодиёт назарияси”, “Микро ва макроиктисодиёт”, “Кимё ва озик-овқат саноати корхоналарининг дастгоҳлари ва технологияси”, “Солиқ ва солиқ тортиш”, “Бухгалтерия ҳисоби ва аудит”, “Тадбиркорлик фаолияти асослари” каби фанлар билан узвий боғлиқдир.

Фаннинг илм-фан ва ишлаб чиқаришдаги ўрни

Корхона иктисодиётнинг бир бўғини бўлиб, унда энг малакали кадрлар мужассамланган ҳамда самарали бошқарув тизимида менежмент қўлланилиб, ресурслардан оқилона фойдаланиш ва замонавий техника ва технологиялардан фойдаланиш масалалари ҳал қилинади. Ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларнинг юқори сифат кўрсаткичларини сақлаган ҳолда ҳаражатларни минималлаштириш ва даромад (фойда)ни максималлаштириш деярли ҳар бир корхонанинг асосий вазифаси ҳисобланади. Ҳозирги кунда иктисодий фаолиятнинг, моддий ишлаб чиқаришнинг жорий ва истикболли ривожланиш стратегияси ҳамда мамлакат иктисодий салоҳиятини мустаҳкамлашнинг асосий оғирлиги айнан корхоналар “елкасига” юклатилмоқда. Шунинг учун ушбу фан ихтисослик фани ҳисобланиб ишлаб чиқариш технологик тизимининг ажралмас бўғинидир.

Фани ўқитишда педагогик ва ахборот технологиялар

“Корхона иктисодиёти ва менежменти” фанини ўқитишда янги технологиялари қўлланилади: очик ва муаммоли маърузалар утқишиш; компьютер техникасидан фойдаланиш; давра суҳбати ўтқишиш; вазиятли

кўргазмали қуроғлар тайёрлаш. номатив-хуқуқий ҳужжатлардан фойдаланиш ва бошқалар тавсия этилади.

Лаборатория ишларини ташкил этиш бўйича кўрсатмалар

Фан бўйича лаборатория ишлари ўқув режада кўзда тутилмаган.

Курс ишини ташкил этиш бўйича услубий кўрсатмалар

Фан бўйича курс ишлари ўқув режада кўзда тутилмаган.

Мустақил таълимнинг шакли ва мазмуни

Мустақил таълим куйидаги шаклларда ташкил этилади:

- мавзуларни норматив-хуқуқий ҳужжатлар ва ўқув адабиётлари ёрдамида мустақил ўзлаштириш;
- мавзулар бўйича реферат тайёрлаш;
- семинар ва амалий машғулотларга тайёргарлик кўриш;
- илмий мақола ва тезисларни тайёрлаш;
- фаннинг доолзарб муаммоларини камраб олувчи лойиҳалар тайёрлаш;
- назарий билимларни амалиётда қўллаш;
- амалиётдаги мавжуд муаммоларнинг ечимини топиш;
- ўрганилаётган мавзу бўйича асосий илмий адабиётларга аннотация ёзиш ва бошқалар.

Таълим жараёнида инновацион технологияларни, ўқитишнинг интерфаол усулларини қўллаш талаба томонидан мустақил танланади. Талабаларнинг мустақил таълимини ташкил этиш тизимли тарзда, яъни узлуксиз ва узвий равишда амалга оширилади. Талаба олган назарий билимини мустаҳкамлаш, шу билан бирга навбатдаги янги мавзунини пухта ўзлаштириши учун мустақил равишда тайёргарлик кўриши керак.

Тавсия этилаётган мустақил ишларнинг мавзулари

1. Бозор иқтисодиёти шароитида режалаштириш ва башоратлаш.
2. Бозор иқтисодиёти шароитида корхона фаолиятида режалаштири.
3. “Кимё ва озик овқат саноати корхоналари иқтисодиёти” курсининг мазмуни ва вазифаси.
4. Корхона – мустақил хўжалик фаолиятини юритувчи бозор субъекти.
5. Иқтисодиётни бозор иқтисодиёти шароитидакичик корхоналар, иқтисодиёт тузилмасидаги уларнинг ўрни ва роли.
6. Корхонани ташкил этиш ва фаолиятини тўхтатиш
7. Бозор иқтисодиёти шароитида корхонани бошқариш.
8. Корхона фаолиятини режалаштириш ва башорат қилиш.

рентабеллиги, ишлаб чиқариш фондлар ёки активлар рентабеллиги, шахсий капитал, бир акция рентабеллиги.

Бозорга ўтиш шароитида нарх (баҳо)ларнинг шаклланиши

Корхона хўжалик фаолиятида маҳсулот нархи (бахоси)ни ахамияти.

Ўзбекистон Республикаси 1.02.95 йилда киритилган «Ишлаб чиқариш-техникавий мақсаддаги маҳсулот, халқ истеъмол моллари ва хизматларнинг келишилган (эркин) нарх (баҳо)ларини шаклланиши ва қўлланиши тўғрисида»ги Йўриқномаси. Баҳолар турлари: «А» ва «Б» гуруҳига оид маҳсулотларнинг эркин-улгуржи баҳо (хақиқий сотилиш баҳо)си. Акциз ва қўшимча қиймат солиғи тушунчаси. Чакана баҳоларни шаклланиши.

Кимё ва озик овқат саноати корхонасининг ишлаб чиқариш самарадорлиги

Ишлаб чиқариш самарадорлиги. Иқтисодий самарадорлик тушунчаси ва унинг моҳияти. Самара ва самарадорлик тушунчалари. Иқтисодий самарадорлик кўрсаткичлари ва ҳисоб йўллари. Йиллик иқтисодий самаранинг ҳисоби.

Амалий (семнар) машғулотларнинг тахминий руйхати

- Корхона иқтисодиёти ва менежментининг моҳияти ва вазифалари.
- Корхона иқтисодиёти ва менежментининг асосий бўғини.
- Асосий капитал ва ишлаб чиқариш қуввати.
- Корхона иқтисодиёти ва менежменти (оборот)капитали.
- Корхона иқтисодиёти ва менежментининг меҳнат ресурслари.
- Меҳнат унумдорлиги.
- Кимё ва озик овқат саноати корхона ходимларининг меҳнат ҳақлари.
- Кимё ва озик овқат саноати корхонасининг сарфлари, уларнинг моҳияти, структураси ва таснифи.
- Кимё ва озик-овқат саноати корхоналари молия кўрсаткичлари.
- Бозорга ўтиш шароитида нарх (баҳо)ларнинг шаклланиши.
- Кимё ва озик-овқат саноати корхоналари ишлаб чиқариш самарадорлиги.

Амалий машғулотларни ташкил этиш бўйича тавсиялар

Амалий машғулотларни ташкил этиш юзасидан кафедра томонидан кўрсатма ва тавсиялар ишлаб чиқилади. Унда талабалар асосий маъруза мавзулари бўйича олган билим ва қўникмаларини амалий масалалар, кейслар орқали янада бойитадилар. Шунингдек, дарслик ва ўқув қўлланмалар асосида талабалар билимларини мустаҳкамлашга эришиш, таркатма материаллардан фойдаланиш, илмий мақолалар ва тезисларни чоп этиш орқали талабалар билимини ошириш, масалалар ечиш, мавзулар бўйича тақдимотлар ва

масалаларни ечиш; иш ўйинларини кенг қуллаш; кейс стадилар ечиш ва бошқалар.

АСОСИЙ ҚИСМ

ЎҚУВ МАТЕРИАЛЛАРИ МАЗМУНИ

Корхона иқтисодиёти ва менежменти фанининг моҳияти ва вазифалари

Курсда ўқиладиган муаммолар моҳияти. Бозор муносабатларининг ривож. Ишлаб чиқариш омиллари-корхона иқтисодиётининг таркибий қисмлари. Иқтисодий тизим турлари. Анъанавий, буйрукбозлик, бозор, аралаш иқтисодиётнинг хусусиятлари. Бозор иқтисодиётига ўтишнинг Ўзбекистон миллий модели, унинг тамойиллари, моҳияти ва ўзига хослиги. “Корхона иқтисодиёти” курсининг бошқа фанлар билан боғлиқлиги.

Корхона – кимё ва озик овқат саноатининг асосий бўғини

Корхоналарнинг вазифалари, ҳуқуқлари, ташкилий асослари ва бозор муносабатларига ўтишда тутган роли. Мулк шакллари. Корхонани ташкил қилиш ва рўйхатдан ўтиш тартиби, мулкнинг шаклланиш манбаалари. Корхоналарнинг ҳўжалик механизми. Бозор иқтисодиётига ўтиш шаронтида корхона турлари (ҳўжалик, ўртоқлик, АЖ, бирлашмалар, холдинг компаниялар, кичик, ўрта, кўшма ва хок).

Кимё ва озик овқат саноати корхонасининг асосий капитал ва ишлаб чиқариш қуввати

Асосий капитал-асосий фондлар таркиби, структураси, ҳисобга олиниши ва баҳоланиш усуллари. Асосий фондлар қийматининг қайта ҳисоблаш индекслари. Асосий фондларнинг емирилиши ва амортизатсияси. Жисмоний ва маънавий емирилиш моҳияти. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар маҳкамасининг 31.12.96. № 469 қарорига биноан амортизатсия нормалари. Асосий фондларнинг таъмири ва уларни молиялаштиришнинг моҳияти. Асосий фондлардан фойдаланиш кўрсаткичлари. Ишлаб чиқариш қуввати.

Кимё ва озик овқат саноати корхонасининг айланма (оборот)капитали

Айланма (оборот) капитал-айланма маблағларнинг моҳияти ва структураси. Ишлаб чиқариш айланма фондлар, уларнинг таркиби ва асосий ишлаб чиқариш фондлардан фарқи. Муомала фондлар таркиби. Айланма фондлар ва муомала фондлар структураси. Айланма маблағларга бўлган эҳтиёжини аниқлаш. Айланма маблағларни меъёрлаш (нормаллаштириш).

Айланма маблагларнинг хосил бўлиш манбаалари. Айланма маблаглар айланиши, айланиш доирасидаги уч босқичнинг моҳияти, ишлаб чиқариш самарадорлигини оширишда айланиш тезлиги ўсишининг аҳамияти. Айланма маблаглардан унумли фойдаланиш кўрсаткичлари.

Кимё ва озиқ овқат саноати корхонасининг меҳнат ресурслари

Корхона кадрларининг потенциали ва уни бозор муносабатлари шароитидаги роли. Корхона фаолияти самарадорлигини оширишда инсоний фактор (омил)нинг таъсири. Ходимлар танлови ва ўсишининг мезонлари. Меҳнат ресурсларининг тавсифи. Саноат ишлаб чиқариш ва носаноат персонали тушунчаси. Саноат ишлаб чиқариш персоналининг ишчи ва хизматчиларга бўлиниши, уларнинг таркиби. Касб (хунар), мутахассислик, (квалификатсия) малака тушунчалари, кадрлар структураси. Меҳнат ресурсларининг микдорий таснифи. Ходимларнинг руйхат, ҳозирги, ўртача-руйхат сонлари, уларнинг моҳияти. Кадрларни бошқариш ва ишчи кучини режалаш. Иш вақти баланси. Кадрлар кўнимсизлиги тушунчаси ва унга таъсир этувчи омиллар. Кадрларни танлаш, таёрлаш ва қайта таёрлаш.

Меҳнат унумдорлиги

Меҳнат унумдорлигининг моҳияти ва аҳамияти. Меҳнат унумдорлигини ўсиши - ишлаб чиқариш ҳажми ошириш ва ишлаб чиқариш сарфлари камайишининг манбаи, корхона ва мамлакат иқтисодий потенциалини кучайишида муҳим йўналишидир. Меҳнат унумдорлиги кўрсаткичлари ва уларнинг ҳисоб усуллари. Меҳнат унумдорлиги ўсиши ва даражаси тушунчалари. Меҳнат унумдорлигини ўстириш омиллари ва йўллари.

Кимё ва озиқ овқат саноати корхона ходимларининг меҳнат ҳақлари.

Меҳнат ҳақини рационал ташкил қилишнинг тамойиллари ва мақсади.

Тариф тизимининг моҳияти ва унинг таркибий элементлари. Тариф-малакавий маълумотнома, тариф сеткаси, тариф ставка тушунчалари, уларнинг таркиби ва мақсадли аҳамияти. Ўзбекистон Республикасида қўлланиладиган ягона тариф сетканинг хусусиятлари. Ходимлар меҳнат ҳақининг шакллари (турлари). Вақтбай ва ишбай меҳнат ҳақи, уларнинг кўринишлари, қўллаш шартлари, иш ҳақи ҳисобининг методикаси.

Иш ҳақи фондини аниқлаш усуллари, уни ишланган ва ишланмаган вақтни инобатга олган ҳолда таркиби. Ўзбекистон Республикаси меҳнат Кодекси меҳнат мотивацияси.

Кимё ва озиқ-овқат саноати корхоналари сарфлари, уларнинг моҳияти, структураси ва таснифи

Бозор муносабатлари шароитида ишлаб чиқариш сарфларининг иктисодий моҳияти. Ўзбекистон Республикаси 1.01.95 й, №9 ва 5.02.99 й №54 қарорига биноан такомиллаштирилган «Маҳсулот (ишлар, хизматлар) таннархига киритиладиган, маҳсулот ишлаб чиқариш ва реализацияси бўйича сарфлар таркиби ҳамда молия натижаларининг шаклланиш тартиби хақида»ги Йуриқномаси. Ушбу Йуриқномага биноан сарфлар таснифи, уларнинг таркиби ва мазмуни:

- маҳсулот ишлаб чиқариш таннархи;
- давр харажатлари;
- молия фаолияти бўйича харажатлар;
- фавкулотдаги зарарлар.

Корхона харажатларининг турли таснифий жиҳатлари бўйича таснифи ва уларнинг таркиби:

- ишлаб чиқариш ва носаноат харажатлар;
- тўғри ва ёндош (косвенные) харажатлар;
- маҳсулот таннархига ва давр харажатларига киритиладиган сарфлар;
- ўзгарувчан ва ўзгармас сарф-харажатлар, уларнинг корхона фойдасига бўлган таъсири;
- безарарлик нуктаси (мувозанат нуктаси) тушунчаси. Бу нуктада сарфлар умумий тушум евазига батамом копланди, уни ҳисоб методикаси.

Маҳсулот таннархига киритиладиган харажатлар таснифи. Сарф харажатларнинг калкуляцион моддалар ва иктисодий элементлар бўйича гуруҳланиши. Таннарх структураси, уни камайтириш йўллари.

Кимё ва озиқ-овқат саноати корхоналари молия кўрсаткичлари

Молиянинг моҳияти ва функциялари.

а) Пул ресурсларини ҳосил бўлиши ва харажатлашда юзага келадиган молиявий муносабатлар таркиби. Молия механизми ва унинг элементлари. Корхона молия ресурслари, устав капитали, корхона молия ресурсларининг ҳосил бўлиш манбалари

б) Корхона фойдаси, фойда миқдорига таъсир этувчи омиллар, фойданинг функцияси. Фойда кўрсаткичлари:

- маҳсулот реализациясидан тушган ялпи фойда;
- асосий фаолият фойдаси;
- умумхўжалик фаолиятдан тушган фойда (ёки зарар);
- солиқ тўлагунга қадар фойда;
- соф фойда;
- баланс фойдаси.

Фойдани тақсимлаш ва ундан фойдаланиш, бозорга ўтиш шароитида фойдани тақсимлаш принциплари. Фойдани режалаштириш.

в) Корхона рентабеллиги. Маҳсулот рентабеллик даражаси, монопол маҳсулот рентабеллиги, сотилган (реализатсия қилинган) маҳсулот